



Tadqiqot.uz

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



Crossref



**31 MAY
№28**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 28-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
4-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
28-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-4**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
28-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-4**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 28-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 май 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 22 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохидат Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ
ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

1. Л.А.Аҳмадова АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ СОЦИОЛОГИК ҚАРАШЛАРИ	7
2. Zueva Arina Viktorovna SOCIOLOGICAL THEORY: SPECIFICITY AND STRUCTURE.....	9
3. Рахимов Дилмуроджон Ғуломжон ўғли ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ИНСТИТУТ СИФАТИДА.....	11
4. Ashuroxunova Shahnoza Tohir qizi FORMATION OF SOCIAL AND MORAL FUNDAMENTALS OF THE NATIONAL IDEA BASED ON MORAL NORMS AND MORAL VIRTUES.	14
5. Ҳакимжонова Ҳамидаҳон Ҳакимжон қизи АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШДА ПРОФЕСССИНАЛ КАДРАЛАРНИНГ ЎРНИ.....	16
6. Раҳматуллаева Дурдона Равшановна ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ	18
7. Reymov Mukhamedali Kengesbaevich SOCIAL PROTECTION OF DISMISSED CITIZENS WITH MILITARY SERVICE AS A SOCIAL INSTITUTION.....	20



СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ СОЦИОЛОГИК ҚАРАШЛАРИ

Л.А.Аҳмадова

БухДУ Тарих ва маданий
мерос факултети 4 курс талабаси

Аннотация: Мазкур мақолада Абу Наср Форобий социологик қарашларининг ҳозирги давр ижтимоий ҳаётини ўрганишдаги аҳамияти ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: демократик давлат, фуқаролик жамияти, таълим - тарбия, фозил жамоа, жоҳил, мафкуравий хуруж, гуманист, террорист, ғоявий таъсир.

Annotation: The article concerns the contents of social theory Abu Nasr Farabi and its important in the modern society's social life study.

Key words: democratic state, civil society, education, just community, ignorant, ideological attack, humanist, terrorist, ideological influence.

Кўхна Шарқнинг беназир алломаси, буюк мутуфаккир ва жамиятшунос олим Абу Наср Форобийнинг Социологик таълимоти “Фозил одамлар шаҳри”, “Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида”, “Буюк кишиларнинг нақлларида”, “Ақл тўғрисидаги рисола”, “Жисмлар ва акциденцияларнинг ибтидоси ҳақида” ва бошқа асарларида баён этилган. Форобий ҳали феодал муносабатлар ҳукм сурган, фан - техника тараққий этмаган, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги зиддиятлар жамиятнинг маънавий ҳаётида ҳам ўз аксини топган бир шароитда ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти, доно раҳбар, маънавий баркамоллик, ақл ва илм тантанаси, инсонни бахт - саодатга элтувчи омиллар, ҳуқуқий тенглик, ижтимоий ҳамжиҳатлик, юксак маданият, урушларсиз ва қашшоқликсиз ҳаёт, ўзаро ёрдам, яхшилик, меҳнат ва адолат тантанаси ҳақидаги илғор гуманистик ғояларни тарғиб қилиш билан фалсафий тафаккур тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарини бундан XII аср илгари ёзган бўлсада, унда инсон ва жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига дахлдор бўлган масалалар ҳақида фикр юритган, ҳатто ундан ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларига жавоб топиш мумкин. Президентимиз ҳам, - “Форобийнинг ўша машҳур “Фозил одамлар шаҳри” асарини ёдга олайлик. Бундан минг йилча муқаддам яратилганига қарамасдан, бугунги ўқувчи ҳам бу асардан ҳозирги ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда асқотадиган муҳим фикр ва йўл-йўриқларни топиб олади” [1], - деб алоҳида уқтирган эди. Аллома мазкур асарда кишилар жамоасининг вужудга келиши, унинг моҳияти, фозил ва жоҳил жамиятлар, инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, кишилар жамоасини бошқариш йўллари ва усуллари тўғрисидаги қарашларини илмий асосда баён этиб берган. Кишилик жамияти пайдо бўлишининг асосий сабаби, Форобийнинг фикрича, моддий эҳтиёжларни қондиришга бўлган интилиш ва наслни давом эттириш учун зарур шароитни яратишдан иборат. Чунончи олимнинг таъкидлашича, - “Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир - бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди”[2]. Шунингдек Форобий ўрта аср шароитида биринчи



бўлиб инсон, унинг моҳияти, эрки ва ҳуқуқлари, бахт-саодати, интилишлари, мақсадлари қандайдир илоҳий қудрат томонидан белгиланмай балки ўзининг ақлий фаолиятига, реал ҳатти-ҳаракатларига боғлиқ эканлигини илмий асослаб берди.

Форобий инсонни, унинг характеридаги барча ижобий ва салбий томонларини “фозил” ва “жоҳил” кишилар мисолида таҳлил этади. Донишманд жоҳил инсонларни тарбиялаш, фозилларга эса юксак камолот ва бахт-саодатга эришишнинг йўл-йўриқларини кўрсатиб бериш давлатнинг асосий вазифасидир дейди. “Жоҳиллар” ҳам “фозиллар” ҳам бир заминда, бир юртда яшайдилар бир ҳаводан нафас оладилар аммо ўз феъл - атворлари туфайли ҳаётда олган таълим-тарбиялари натижасида икки хилни йўлни танлайдилар. Тўғри инсон бенуқсон бўлмайди айниқса шайтоний нафс уни йўлдан оздиради, ёмон ишларга бошлайди. Шу боис камолот йўли маърифатни эгаллашдир. Маънавият ва маърифатга эса илм, ақл ва тарбия орқалигина эришилади. Президентимиз ибораси билан айтганда, - “Ер юзида қанча инсон, қанча тақдир бўлса ҳар бирининг ўз маънавий олами бор. Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак”[4]. Шу боис Форобий бундан ўн икки аср илгариёқ ҳар бир шахснинг индивидуал хислат ва фазилатларини, маънавий оламини, дунёқарашини ўрганиш лозим деб таъкидлаган эди. Инсонни ўрганиш жуда мураккаб ва масъулиятли шу билан бирга долзарб мавзу бўлиб келган. Форобийнинг таъкидлашича инсонлар ўзини - ўзи билмайди, ҳар бир инсон аввало ўзининг ўзлигини билиши лозим. У хато ва камчиликларини, жоҳил феъл-атворини тузатсагина фозиллик даражасига яъни ҳақиқий инсон даражасига кутарила олиши ва энг юксак камолот ва бахт-саодатга эришиши мумкин. Шу боис мутафаккирнинг фикрича фозил жамоанинг ҳар бир аъзоси фозил, яъни ҳақиқий инсон бўлиши лозим. Унингча, инсон ҳам табиий жонзот, ҳам ижтимоий мавжудот. Битта инсон танасида икки олам сир - асрорлари мужассам, яъни унда ҳам табиий биологик хислатлар, ҳам ижтимоий сифат ва фазилатлар мавжуд, шу билан биргаликда инсондаги инсонийлик ва ҳайвонийлик хислатлари қоришиб кетган, ана шунинг учун ҳам одамлар жамиятда ижтимоий муҳит таъсирида “жоҳил” ёки “фозил” кишиларга айланадилар, яъни фозил киши бўлиб жамият ривожига, давлат равнақиға ўз хиссаларини қўшадилар. Ватан ва халқ учун ҳалол меҳнат қилиб, тинч тотувликда яшайдилар ёки жоҳил фуқарога айланиб ўз Ватани ва халқиға хиёнат қиладилар худди экстеримистик йўлга кириб бораётган фанатик кимсаларға ўхшаб, шу сабабли Форобийнинг уқтиришича ҳақиқий фозил инсон ўзидаги маънавий ва ахлоқий иллатлардан қутилмоғи ҳамда чин инсоний фазилатларни шакллантирмоғи лозим, Форобий айниқса инсоннинг ақлий ва ахлоқий камолоти масалаларига алоҳида эътиборни қаратди.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак Форобийнинг беназир асарлари ва ижтимоий-фалсафий таълимоти маънавий меъросимизнинг бебаҳо дурдонаси бўлиб, унда ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларига дахлдор масалалар ўз ифодасини топган. Бу таълимот умрбоқийлигининг сири ҳам шунда бўлса керак. Шу боис бу талимотни ўрганиш давр талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. А. Адолатли жамият сари. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1998, 186. 2. Абу Наср Форобий. ”Фозил одамлар шаҳри”. Тошкент.: А. Қодирий номи-даги халқ меъроси нашриёти. 1993. 186-бет.
3. Ўша жойда. 186-бет.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Тошкент.: “Маънавият”. 2009. 29-бет
5. Конституционное право Республики Узбекистан: (Сб., нормат. актов)-Т.; Шарқ, 1995, стр. 94-101.
6. Абу Наср Форобий. ”Фозил одамлар шаҳри”. Тошкент.: А. Қодирий номидаги халқ меъроси нашриёти. 1993. 187-бет.



SOCIOLOGICAL THEORY: SPECIFICITY AND STRUCTURE

Zueva Arina Viktorovna

2nd year student, bachelor's degree

Nukus State Pedagogical

Institute named after Azhiniyaz

Annotation: The article examines the structure and specificity of sociological theory by defining the periodization of the historical and sociological process. The work reveals the role of the first, second and third industrial revolutions, and also outlines the main contribution of scientists - J. Alexander and J. Ritzer.

Key words: sociological theory; industrial Revolution; J. Alexander; J. Ritzer.

There are two fundamental directions in the history of sociology - theoretical and empirical sociology, each of which has its own history, specificity and structure. In this work, special attention will be paid to theoretical sociology, since the rapid and intensive development of sociological theory in various directions generates a variety of ideas and positions. To identify the structure and specificity of sociological theory, let us turn to the periodization of the historical and sociological process. The basis of this periodization is formed by the sociological theory of modernity, developed in a whole series of sociological theories (the theory of modernity by E. Giddens, J. Habermas, and others) in the last two decades of the twentieth century. The era of modernity corresponds to industrial, capitalist, legal, democratic, national-state societies that were formed in the last third of the 18th century. Such societies throughout their existence undergo an evolutionary transformation associated with industrial revolutions, during which new scientific theories and schools appear. Consider each revolution.

The first industrial revolution falls on the last third of the 18th century. - the beginning of the twentieth century. (Creation of a steam engine). In this period, sociology becomes a way of theoretical self-comprehension and self-understanding of modern societies, a means of their self-reflection, a component of the culture and science of these societies. Sociology at that time was called "social physics", which has the same status as all natural sciences, and the methodology of its research was the methods of natural science. Within the framework of the same period, another was formed - an anti-positivist project of interpretive sociology, the outstanding representatives of which are G. Simmel and M. Weber. Scientists believe that sociology should be formed in a conscious way, and its main task is to build a new theory of society and consider it as the central point of any general sociological theory.

The second industrial revolution is associated with the technical re-equipment of production in the late 19th - early 20th centuries, which led to the creation of mass production and mass consumption systems. Accordingly, the second period in the development of sociological theory falls on the beginning of the twentieth century. - 70s. XX century. In this period, there is a radical transformation of the fundamental foundations of the social order, which is called organized capitalism, state-monopoly capitalism, imperialism. In connection with the emergence of a new social order, new conceptual schemes, methodological approaches and sociological theories are being formed. This period characterizes society as managerial, corporate, mass, as a developed industrial society, theories of organized capitalism, corporate society, mass society are also being developed, and the structural and functional theory of T. Parsons is central. The third industrial revolution - the information revolution (70-80s of the XX - beginning of the XXI century) led to the design of modern industrial production systems within the information society. In the early 1970s. in connection with the telecommunications revolution, the economic sphere is changing, the system of value orientations, the sphere of culture are being transformed, as a result of which new sociological theories appear (theories of post-industrial society, theories of the information society, the theory of postmodernism, the theory of globalization), which aim to comprehend the ongoing social changes. This period is characterized by new methodological developments, for example, searches that began with statements about the "crisis" of sociological theory and various discussions (discussions about positivism in European sociology; Parsonism in American sociology, etc.). As a result, a new methodological program was developed, neo-evolutionism was developed, theories of differentiation appeared as theories of social development, and new



directions of research took shape (historical sociology, feminist sociology).

In connection with the emergence of the above processes, interest in the main ideas of Parsonism is revived. A supporter of the continuation of the questions of structural functionalism by T. Parsons was J. Alexander, who in 1987 published the work “Sociological theory after 1945”, which became the basis of modern sociological theory. The author creates a completely new type of social analysis and theory - cultural sociology, which poses collective feelings as a key issue for study, since they are the true representations of the world. J. Alexander focuses on non-actual and non-empirical processes (“intellectual socialization”, “hypothetical imagination”) and develops the idea that these phenomena are modified under the influence of the “real world”, where society is rationalized due to the appearance of various technologies in a person’s life ... However, the existence of an exclusively technical world is impossible, therefore the individual with freedom becomes the central link of the theory. It is important to note that it is he who is able to be in interindividual interaction and change the social order at any moment of historical development.

No less important is the scientist J. Ritzer, who belongs to the integral theory. Developing his model of multi-paradigmatic sociology, J. Ritzer reduced it to three main paradigms: socio-factorial, socio-definitive and socio-behavioral and tried to develop an integrated sociological paradigm that unites micro and macro levels in both objective and subjective forms. J. Ritzer believed that it is necessary to deal with four basic levels of social analysis at once: macro-subjectivity, macro-objectivity, micro-subjectivity and micro-objectivity. The significance of this model lies in the fact that it allows one to establish real relationships between different levels of social reality, serves as the basis for the classification of the phenomena under study, and also requires the use of methods and techniques corresponding to these phenomena.

Thus, the specificity and structure of sociological theory lies in its historical periodization, at each stage of which there are a large number of different approaches, theories and schools. The scientific developments considered in this work demonstrate the progressive development of sociology in modern society.

Bibliography:

1. Alexander J. Meaning of social life: cultural sociology / per. from English G.K. Olkhovikov, ed. D.Yu. Kurakin. Moscow: Ed. And consulting group “Praxis”, 2013. S. 472-504.

2. Dobrenkov V.I., Polyakova N.L. Methodology for the analysis of the historical and sociological process. Criteria for its periodization // Bulletin of Moscow State University. Series 18. Sociology and Political Science. 2011. No. 1. S. 27-43.

3. Polyakova N.L. Methodological self-reflection of sociology in the late 60s - early 70s. XX century Dispute about positivism // Bulletin of Moscow State University. Series 18. Sociology and Political Science “. 2012. No. 4. S. 24-52.

4. Polyakova N.L. Methodological pluralism and the structure of sociological theory // Bulletin of Moscow State University. Series 18. Sociology and Political Science “. 2015. No. 4. S. 50-68.

5. Ritzer J. Modern sociological theories. SPb .: Peter, 2002.688 s



ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ИНСТИТУТ СИФАТИДА

Рахимов Дилмуроджон Ғуломжон ўғли
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти
+99890 161 95 99
drakhimov95@gmail.com

Аннотация. Мақола давлат хизматининг ижтимоий-сиёсий институт сифатида тадқиқ этишни мақсад қилган. Мақолада давлат хизматининг ҳодиса ва моҳият сифатида келиб чиқиши қиёсий таҳлил қилинган. Тадқиқотда олимларнинг давлат хизмати тушунчасига берган таърифлари таҳлил қилиниб, унга муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: давлат хизмати, давлат хизматчиси, давлат бошқаруви, ижтимоий-сиёсий институт, меритократия, оммавий хизмат.

“Давлат хизмати” ижтимоий фанларда кенг қўлланиладиган тушунча бўлиб, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, социология, менежмент каби фанларнинг категориялари саналади.

Давлат хизмати тушунчасининг келиб чиқиши ва унинг ривожланиш жиҳатларини ўрганиш мавзуни тадқиқ этишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Бугунги давлат хизматига ўхшаш жараёнларнинг бошланиши бир қанча тадқиқотчилар, жумладан, **Энн Палудан**¹ ва **Дерк Боддэ**² томонидан Қадимги Хитойга боғланади. Меритократик тамойилга асосланган Хитой империяси давлат хизматининг муҳим жиҳати энг яхши маъмурий амалдорларни танлаш учун ишлаб чиқилган имтиҳондан иборат эди. Ушбу тизим оилавий насл-насаби (ижтимоий келиб чиқиши)дан қатъи назар ҳар қандай хитойликнинг йирик давлат амалдорига айлана олишини назарда тутарди.³ Мазкур тизим Хитойда Син (мил.авв.246 – 206 йиллар), Хан (мил.авв.206 – милодий 220 йиллар), Суй (589-618 йиллар) ва Тан (618-907 йиллар) сулолалари даврида амалда бўлган.⁴

Тадқиқотчилар **Итжек Галнур** ва **Женнифер Осер** давлат хизматининг бошланиши Қадимги Хитой билан биргаликда Мисрнинг Қадимги подшолик давлари (мил.авв. 3 минглик йилларнинг иккинчи ярми)га бориб қадалишини таъкидлашган. Ўрта асрларда эса Византия, Эрон сосонийлари, Араб халифалигининг аббосийлар сулоласи ва Усмонли турклар империялари мамлакат бошқарувида давлат хизмати тизимини йўлга қўйганлар. Замоनावий даврдаги давлат хизмати эса XVIII асрда Пруссия ва Францияда ривожланган бўлса, ижтимоий-ҳуқуқий категория сифатида XIX асрда Буюк Британияда вужудга келди.⁵

1806 йилда Буюк Британиянинг Ост-Индия компанияси ташаббуси билан инглизларнинг Ҳиндистонни бошқарадиган маъмурлари малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказишни назарда тутувчи коллеж Лондонда ташкил этилди.⁶ Аср ўрталарига келиб давлат бошқаруви хизматига танлов имтиҳон орқали қабул қилиниш, маълум мансабани эгаллаш учун муайян билим ва кўникмаларни мавжуд бўлиши, шунингдек, давлат амалдорларининг иерархик тарзда ўсишини назарда тутувчи жараёнлар умумий “civil service”, яъни “давлат

¹ Ann Paludan. Chronicle of the Chinese Emperors: The Reign-by-Reign Record of the Rulers of Imperial China. New York, New York: Thames and Hudson. (1998) //https://thamesandhudsonusa.com/books/chronicle-of-the-chinese-emperors-the-reign-by-reign-record-of-the-rulers-of-imperial-china-softcover

² Derke Bodde. “China: A Teaching Workbook”. Columbia University. //http://afe.easia.columbia.edu/songdynasty-module/index.html

³ Civil Service Examinations. //http://www.princeton.edu/~elman/documents/Civil%20Service%20Examinations.pdf

⁴ Ann Paludan. Chronicle of the Chinese Emperors: The Reign-by-Reign Record of the Rulers of Imperial China. New York, New York: Thames and Hudson. (1998) //https://thamesandhudsonusa.com/books/chronicle-of-the-chinese-emperors-the-reign-by-reign-record-of-the-rulers-of-imperial-china-softcover

⁵ Itzhak Galnoor, Jennifer Oser. Civil Service. //https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/B9780080970868750033?via%3Dihub

⁶ Mark W. Huddleston, William W. Boyer. The Higher Civil Service in the United States: Quest for Reform. University of Pittsburgh Press. 1996. //https://upittpress.org/books/9780822955740/



хизмати” атамаси билан қўлланила бошланди.¹

Мавзунини ёритиш жиҳатидан давлат хизмати тушунчасининг келиб чиқиши билан бир қаторда унинг туб моҳиятига ҳам етиб бориш, уни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тушунчани бир қанча тадқиқотчи олимлар ўз ёндашувларидан келиб чиққан ҳолда изоҳлаганлар.

Айрим тадқиқотчилар давлат хизмати – давлатдан олинадиган маош эвазига давлатга хизмат кўрсатиш, эканлигини таъкидлашади. Жумладан, профессор **Б.М.Лазарев** “давлат хизмати” тушунчасини қуйидагича таърифлайди: “Давлат хизмати – бу давлатга хизматдир, яъни давлат органларида, давлатнинг функция ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган, давлатдан олинган кўрсатмалар, йўл-йўриқлар ҳамда тўланадиган маош учун бажариладиган фаолият”.²

Яна бир тадқиқотчи **Ю.Н.Старилов** давлат хизматни таърифлар экан, уни оммавий хизматдан фарқлайди: “Давлат ва маҳаллий органларида амалга ошириладиган хизмат – бу оммавий хизмат бўлиб, оммавий ҳокимият органларида амалга оширилади. Давлат хизмати – давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва бирлашмаларида амалга ошириладиган хизматдир.” Шу билан бирга, Ю.Н.Старилов депутатлар, давлатда олий мансабларни эгаллаб турган шахслар (Президент, вакиллик ва ижро ҳокимияти органларининг раҳбарлари, вазирлар) давлат хизматчиси эмас, оммавий-ҳуқуқий хизмат мақомига эга эканлигини таъкидлайди.³

Айрим адабиётларда давлат хизмати тушунчасининг кенг ва тор доирада кўриб чиқилганлигини кўриш мумкин. Масалан, **А.П.Алехин** ва **Ю.М.Козлов** давлат хизмати тушунчасига тўхталиб, кенг маънода давлат хизматининг давлат хизматчилари томонидан давлат органлари, муассасалари ва корхоналарида; тор маънода эса, фақатгина давлат органларида амалга оширилишини кўрсатиб ўтадилар.⁴

А.П.Бахрах “Административное право” номли китобида давлат хизмати тушунчасини *ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий* маънолардан келиб чиқиб изоҳлашни таклиф этади.⁵

Давлат хизмати *ижтимоий маънода* – давлат ташкилотда маълум бир лавозимни эгаллаб турган шахс томонидан давлатнинг кўрсатмасига кўра ижтимоий фойдали фаолиятни амалга оширишни; *сиёсий маънода* – давлатнинг мақсад ва вазифаларига барча ишлаб чиқилган сиёсий куч ва воситалар орқали эришишни; *ҳуқуқий маънода* – давлат-хизмат муносабатларини ҳуқуқий ўрнатишни, *ташкилий маънода* – давлат аппаратининг ташкилий-функционал элементлари билан алоқада бўлишни назарда тутаяди, дейиш мумкин.

Ғарблик тадқиқотчи олимлар ва амалиётчилар ҳам “давлат хизмати” тушунчаси бўйича ўз қарашларини баён этишган. Жумладан, М.Вебер давлат хизматини “ҳокимиятнинг пирамида кўринишидаги тизими” деб таърифлайди. Унинг фикрича, “давлат хизмати – бу ҳозирги жамиятда бошқарувнинг мураккаб вазифаларини ҳал қилиш учун мўлжалланган энг оқилона институционал тузилма бўлиб, унинг оқилоналик негизи мазкур тузилма фаолиятини шахссизлантиришдан иборат бўлиб, бу, ўз навбатида муайян ижрочилар ўзбошимчалигидан сақланишни кафолатлайди”, яъни бу тизим ўз тузилишини сақлаб қолиши учун универсал ва шахссиз қоидаларнинг таъсир кучидан фойдаланади.⁶

Америка давлат бошқаруви фанида ушбу ғояни XIX аср охирида АҚШнинг бўлажак президенти Вудро Вильсон янада ривожлантирди. Унинг мазкур муаммога бағишланган “Маъмуриятни ўрганиш” (“Study of Administration”) номли асосий асари 1887 йили нашр этилган. Ҳар қандай бошқарув тизимида унинг самарадорлиги ва жавобгарлигининг зарур шарт сифатида ягона бошқарув марказининг мавжудлиги, барча ҳозирги ҳукуматларнинг

¹Titzhak Galnoor, Jennifer Oser. Civil Service. //https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S09780080970868750033?via%3Dihub

² Лазарев Б.М. Государственная служба. – М.: БЕК, 1993. – С. 5-6.

³ Старилов Ю.Н. Службное право. – М.: БЕК, 1996. – С.131.

⁴Алехин А.П., Козлов Ю.М., Кармолицкий А.А. Административное право Российской Федерации. – М.: Зерцало, 1996.– С.152.

⁵ Бахрах Д.Н. Государственная служба в Российской Федерации: Учебник. – Екатеринбург: Издательство Государственной юридической академии, 2004. – С. 234.

⁶ Weber M. Theory of Social and Economical Organization. – New York, 1947. //file:///C:/Users/English/Downloads/[Max-Weber]-The-Theory-of-Social-and-Economic-Orga(z-lib.org).pdf



тузилмавий жиҳатдан ўхшашлиги, бошқарувнинг сиёсатдан холиқилиниши, хизматчиларнинг профессионализи, молиявий ва маъмурий самарадорликнинг шарт сифатидаги ташкилий иерархия, кишилиқ тараққиётини модернизация қилиш ва раванқ топишнинг зарур шарт сифатида яхши маъмуриятнинг мавжудлиги Вильсон назариясининг асосий мазмунини ташкил этади.¹

Республикада олиб борилган тадқиқотлар ҳам давлат хизмати тушунчаси моҳиятини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Жумладан, ҳуқуқшунос Н.Ш.Саид-Ғазиева таърифида бир неча жиҳатларга эътибор қаратилганлигини, айтиш мумкин.

